



АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 340-346 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ФАОЛИЯТИНИ СУБСИДИЯЛАР ОРҚАЛИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ



Давронов Сахобиддин Фахриддинович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Уибу мақолада тадбиркорлик субсидиялар орқали қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили баён қилингандек, 2021-2023 йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ривожлантириши учун ажратилган субсидияларни соҳалар кесимида таҳлили амалга оширилган. Хусусан, мамлактимизда тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ривожлантириши учун ажратилган субсидиялар таҳлил натижалари бўйича амалга оширилаётган ижобий ишлар қаторида бир нечта тизимли муаммолар мавжудлиги қайд этилди ва уларни бартараф этиши бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калим сўзлар: тадбиркорлик, кичик бизнес, тадбиркорлик асослари, молиявий қўллаб-қувватлаш, бизнес, ишлаб чиқариш, субсидиялар, давлат жамгармаси.

Кириш. Сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг мақсадлари, шакллари ва усулларини тушунишда сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳокимият ва тадбиркорларнинг ўзаро таъсири фақат маъмурий тартибга солишини қўллаш билан чекланмаслиги керак. Тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг долзарбилиги, авваламбор, мавжуд сиёсий, иқтисодий ва баъзи ҳолларда ижтимоий вазиятларда давлат дастурларини жадал ривожлантириш зарурати билан боғлиқ ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизmlарини такомиллаштириш иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим вазифадир. Бугунги кунда давлатимизда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамгармасини ташкил этиши тўғрисида”ги ПҚ-3225-сонли қарорига мувофиқ Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамгармасини ташкил этилди. Шунингдек, Давлат жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 428-сон қарори асосида ташкил этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-193-сонли

қарорига мувофиқ тадбиркорликни ривожлантириш компанияси акциядорлик жамиятини ташкил этилиши ва жаҳон тажрибаси инобатга олган ҳолда трансформация қилиш бугунги кунинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни узлуксиз таъминлаш учун халқаро молия институтларидан 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилиш режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан боғлик муаммолар мавжудлиги бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили. Тадбиркорликни фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни бўйича кўпгина олимлар тадқиқот олиб борган. Хусусан, Канайо Огуджиуба, М. Эгинк ва Э.Г. Оламидалар тадқиқотида молиявий ёрдам ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари назарий ва эмпирик тадқиқотларда тадбиркорлик экотизимининг асосий омиллари сифатида эътироф этилган. Ҳозирги вактда ушбу икки ўзгарувчининг тадбиркорлик экотизимига биргалиқда таъсири бўйича билимлар бўшлиғи мавжуд, гарчи кўплаб тадқиқотлар иккала ўзгарувчининг ҳам тадбиркорлик экотизимларига ижобий таъсир кўрсатишини кўрсатди. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади иккита ўзгарувчининг ўзаро таъсири хусусан молиявий ёрдам ва бизнесни қўллаб-қувватлашнинг бошқа хизматлари - Жанубий Африкадаги тадбиркорлик экотизимига таъсир қиласими ёки йўқлигини аниқлашдир. Иккинчи мақсад - бу ўзгарувчиларнинг тадбиркорлик экотизимига асосий таъсирини аниқлаш. Уларнинг тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, молиявий кўмак ва бошқа бизнесни қўллаб-қувватлаш Жанубий Африкадаги кичик ва ўрта бизнес экотизимига ижобий таъсир кўрсатади. Агар алоҳида амалга оширилса, лекин интерактив тарзда амалга оширилмаса, ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари ҳукумат томонидан сиёsat ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида бошқа бизнесни қўллаб-қувватлашдан ажратилиши лозим [1].

Жумладан, Вера Варцабанинг тадқиқотига кўра, украинада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни ўрганиш натижалари келтирилган. Украинада кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар кўриб чиқилган. Шунингдек, давлат иқтисодий ўсиш омили сифатида кичик бизнесни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг асосий тамойиллари белгиланди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни бевосита ва бильвосита воситалар орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тузилмаси ўрганилди. Кичик бизнесни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш халқаро, миллий ва минтақавий қўллаб-қувватлаш институтлари томонидан мувофиқлаштирилган дастур ва лойиҳалар орқали амалга оширилаётгани аниқланди. Кичик ва ўрта корхоналарни молиявий-кредит билан таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланди. Кредитлаш соҳасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш воситалари, жумладан, давлат кредитлаш дастурларини жорий этиш, кредитлар бўйича кафолатлар, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини қоплаш ва ҳоказолар белгиланди. Кичик ва хусусий тадбиркорлик

субъектларининг фаолияти таҳлил қилинди. 2016-2020 йилларда Украинадаги ўрта бизнес ва унинг ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланди. Украина банк сектори кредит портфелининг тузилиши ва сифати ўрганилиб, банкларнинг кичик бизнесни кредитлаш жараёнига баҳо берилди. Фоиз ставкаларини қисман қоплаш ва давлат ссудалари кафолатларини таъминловчи давлат дастурлари, шу жумладан, кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш бўйича “5-7-9 фоизли арzon кредитлар” давлат дастури кўриб чиқилди. Ушбу дастурнинг асосий афзалликлари ва камчиликлари ҳамда уни такомиллаштириш истиқболлари белгилаб олинди. Назарий жиҳатлар ва жаҳон ва маҳаллий амалиётни таҳлил қилиш асосида банк кредитлаш ва уни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш, хуқукий ва молиявий қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш шароитида Украинада кичик ва ўрта бизнес самарадорлигини ошириш йўналишлари асослаб берилди. Украина давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва банк кредитлаш дастурлари доирасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш ижтимоий-иқтисодий номутаносибликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этиши асослаб берилди [2].

Хусусан, Виктория В. Заболотскаянинг тадқиқотида Америка Кўшма Штатларидағи кичик бизнесни молиявий, кредит ва кафолатли қўллаб-қувватлаш бўйича энг муҳим федерал давлат дастурлари тизимлаштирилган. Тадқиқотчи ушбу дастурларнинг хусусиятлари, камчиликлари ва афзалликларини тадқиқотида кўрсатиб берди. 2009 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий ва маҳсус дастурлари самарадорлиги баҳоланди. Молиявий, кредит ва кафолатли қўллаб-қувватлашнинг ишлаб чиқилган модели мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарининг жадал ривожланишини таъминлаб, уни миллий иқтисодиётнинг асосига айлантириди. Кичик бизнесни кредитлаш учун қулай шарт-шароитларни ишлаб чиқиши АҚШга инқироз даврида нафақат кичик корхоналарнинг иқтисодиётдаги улушкини сақлаб қолишга, балки аҳолининг бандлик даражасини оширишга ва шу орқали муҳим ижтимоий вазифани - ишсизликни камайтиришга имкон берди. Иқтисодий инқирозлар даврида Кўшма Штатларда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий, кредит ва кафолат модели самарадорли экналиги, шунингдек Россия ва бошқа мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришда фойдали бўлиши мумкинлигини кўрсатган [3].

Шунингдек, маҳаллий олимлардан У.В.Гафуров «Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражасига кора ўзгариб, унга мос тушувчи воситалар қолланиб бориши лозим» [4] деб такидлаб отган. Мазкур ёндошувнинг моҳиятига тохталадиган болсак, У.В.Гафуров тадбиркорлик субъектлар фаолиятини тартибга солишида бевосита давлат иштирокининг болишини, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда давлатнинг малум бир воситалар орқали тартибга солишига эътибор қаратилишига тохталган. Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини очишида Қ.Муфтайдинов томонидан берилган тариф ўзига хослиги ва кенг қамровлиги билан ажralиб туради. «Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятни

ҳаракатлантирувчи кучи сифатида иқтисодий маҳовик болиб, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ва истемол талабларини эътиборга олган ҳолда кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини тамиnlайди» [5], - деган гояни илгари суради. Ушбу тарифда муаллиф бошқалардан фарқли олароқ тадбиркорликка иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тақрор ишлаб чиқариш узлуксизлигини тамилаши, унинг самарадорлиги эса турли механизмлардан фойдаланиш даражасига бөглиқ эканлигига алоҳида урғу бермоқда.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гурухлаш, қиёслаш, бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан ажратиб берилётган субсидияларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш бўйича маълумотлар таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда субсидиялардан кенг фойдаланмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021-2023 йилларда ажратилган субсидияларни соҳалар кесимида қўйидағи жадвалда кўришимиз мумкин (1-жадвал)

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021-2023

йилларда ажратилган субсидияларни соҳалар

кесимида, млн. сўмда

Т/Р	Соҳалар номи	Сони	2021 йил	2022 йил	2023 йил
ЖАМИ:		132	3 613 694,6	5 653 977,8	6 798 593,0
1	Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш	37	1 253 438,6	471 955,8	1 013 648,0
2	Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда эҳтиёжманд аҳоли қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш	33	17 337,7	189 656,0	425 855,0
3	Чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик соҳасини ривожлантириш	14	127 953,0	623 222,4	529 720,0
4	Экспорт фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик съектларини қўллаб-қувватлаш	17	330 204,5	522 697,1	637 280,0
5	Туризм соҳасини ривожлантириш	8	38 544,6	58 445,6	70 000,0
6	Таълим соҳасини ривожлантириш	16	1 301 816,0	2 592 144,7	2 730 425,0
7	Аҳолини ижтимоий қўллуб-	1	304 656,3	854 313,0	1 100 000,0

	қувватлаш мақсадида уй-жой билан таъминлаш				
8	Транспорт соҳасини қўллаб-қувватлаш	2	239 744,0	341 543,2	291 665,0
9	Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш	4	0,0	0,0	0,0

1-жадвалдан кўриниб турибдики, Республикада аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан ажратиб бериладётган субсидияларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда уларни ажратиш тизимини ислоҳ қилиш ишлари тизимли давом эттирилмоқда. Бутунги кунда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун 132 тадан ортиқ субсидия турлари мавжуд. Хусусан, 2023 йилда 6,7 трлн сўм тўланган бўлса, 2022 йил давомида 5,6 трлн сўм тўланди. Хусусан таълим, шу жумладан мактабгача таълим йўналишида 16 та турдаги субсидия бўйича 22,3 мингта тадбиркор ва 108,4 минг нафар аҳолига 1,1 трлн сўм тўланди (2022 йил давомида 2,5 трлн сўм). Натижада 2022 йил ва жорий йилнинг 5 ойлигига нодавлат ва оиласиб боғчаларда 388 мингдан ортиқ бола ўрни яратилиб, болаларни боғча билан қамров даражаси 72 фоизга етди, 76,6 минг нафар ётоқхона билан таъминланмаган талабалар учун 98,6 млрд сўм ижара тўловлари тўлаб берилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 2,5 минг тадбиркор ва 2,2 минг нафар аҳолига 51 та турдаги субсидияни тўлаш учун 345 млрд сўм маблағ йўналтирилган (2022 йил давомида 1 096 млрд сўм). Туризм ва транспорт соҳасини қўллаб-қувватлаш учун 26 та тадбиркорлик субъектларига 274 млрд сўм субсидия (10 та турдаги) тўланди (2022 йил давомида 400 млрд сўм). Жумладан, 1 млн нафардан ортиқ аҳолини шаҳар транспортида бепул ва имтиёзли нарҳда юриш харажатлари қоплаб берилган ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида 10 та (камида 100 та ўринли) меҳмонхоналар ташкил этилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-қувватлаш учун 131 минг нафар фуқаро ва тадбиркорларга 33 турдаги субсидия бўйича 162 млрд сўм тўланди (2022 йил давомида 190 млрд сўм). Ишсиз, шу жумладан, "Ижтимоий дафттар" ларга киритилган 52 минг нафардан ортиқ фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини бошлиш учун асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун 238,3 млрд сўм субсидия ажратилган. Тадбиркорларнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 17 та турдаги субсидия бўйича 2,5 мингта тадбиркорлик субъектларига 274,3 млрд сўм тўланди (2022 йил давомида 523 млрд сўм).

Таҳлил натижалари бўйича амалга оширилаётган ижобий ишлар қаторида қуидаги тизимли муаммолар мавжудлиги қайд этилди:

а) субсидияларни ажратища давлат органлари ва идораларида хужжатлар инсон омилиниң иштирокисиз электрон шаклда олиш имконияти мавжуд бўлишига қарамасдан, улар томонидан қоғоз шаклида сўраб олиниши натижасида хужжатларни кўриб чиқиши учун 7-45 кунгача вақт ўтмоқда;

Шунингдек, субсидияларни ажратиш жараёнига бир қатор ваколатли

органлар жалб этилган бўлиб, талабгор ўртача 10 та вазирлик ва идорага бориб хулоса олади ҳамда улар билан тўғридан-тўғри муносабатга киришади.

Ҳозирда субсидияларнинг 132 туридан 63 тасини ажратиш қисман рақамлаштирилган ҳамда вазирлик ва идоралар йигирмадан ортиқ хужжат ва маълумотларни, жумладан аризачининг ишсизлиги, товарларни (хизматларни) реализация қилишда харидорларга берилган ҳисобварақ-фактуралар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа хужжатлар қоғоз шаклида сўраб олинмоқда.

б) аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида барча субсидия турлари ва уларнинг ажратиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштирилган ягона электрон портал орқали олиш имконияти йўқ.

Маълумот учун: Субсидияларни ажратиш бўйича 7 та платформа ишга туширилган ва 63 турдаги субсидиялар учун ариза топшириш тизими яратилган, бироқ субсидиялар тўловини амалга ошириш тизимларига интеграция қилинмаган.

Хусусан, "Агросубсидия" ЯАТ (17 та), Онлайн маҳалла (14 та), Ветеринария қўмитасининг "my.vetgov.uz" (5 та), "Ёшлилар дафтари" платформаси (6 та) ҳамда "Бандлик хизмати" АТ (10 та) платформалари орқали субсидия ажратиш аризалари кўриб чиқилмоқда.

в) Тарғибот ва маълумот бериш тизими тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги сабабли 21 та турдаги субсидия турлари бўйича мурожаатлар келиб тушмаган.

Хулоса ва таклифлар. Субсидиялар ажратиш ва тўлаш тизимини янада соддалаштириш ва автоматлаштириш мақсадида қуийдагилар таклиф этилади:

а) Субсидия ажратиш ва тўлаш бўйича ягона электрон тизим яратиш ва ишга туширишда 16 та вазирлик ва идораларнинг электрон базаларига интеграция қилиш;

Платформанинг ишга туширилиши натижасида вазирлик ва идораларнинг электрон базаларига интеграция қилиш орқали 24 турдаги маълумотларни қоғоз шаклида сўраб олиш бекор бўлади.

б) тажриба тариқасида давлат бюджети ҳамда жамғармалари маблағлари ҳисобидан ажратилаётган айрим субсидия турларини "Cashback" тизимида тўлаш.

Бунда, субсидияларни тўлаш муддати 15 кундан 2 кунгacha қисқариши билан бирга инсон омилисиз автомат равишда тўланади;

в) тўғридан-тўғри жисмоний шахсга тўланиши белгиланган субсидиялар уларнинг банк карталарига ўтказиш;

Амалиётда мавжуд 10 дан ортиқ субсидиялар аҳолининг ўз банк пластик карталарига тўғридан-тўғри тўлаб берилиши натижасида ортиқча оворагарчиликнинг олди олинади ҳамда уларга қўшимча қулайликлар яратилади.

г) етказиб берилган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилган хизматлар бўйича субсидиялар солиқ органларининг ахборот тизимларида рўйхатдан ўтказилган ҳисоб-фактуралар асосида босқичма-босқич автомат тарзда тўлаш тартибини жорий этиш;

Амалда сотилмаган (мавҳум) товар, кўрсатилмаган хизмат ёки амалга оширилмаган жараёнга субсидия тўланиши олдини олинади ҳамда эскирган ва замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқлар бекор қилинади.

д) 2 йил давомида 21 та субсидия туридан фойдаланилмаган ҳамда самараси паст 17 та турдаги субсидияларни бекор қилиш ёки бир-бирини такрорловчи турларини бирлаштириш (субсидия турлари иловада);

е) ваколатли органлар томонидан ажратилган субсидияларнинг самарадорлигини ҳар йили камида бир маротаба баҳолаш ва жамоатчиликка эълон қилиб бориш;

ё) давлат органлари томонидан аҳолига субсидия сифатида асбоб-ускуна (мехнат қуролларини) етказиб бериш амалиётини бекор қилиб, аҳоли томонидан ўзлари танлаган асбоб-ускуна (мехнат қурол) ларни харид қилиш тизимини жорий этиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ogijiuba, K. K., Eggink, M., & Olamide, E. (2023). Interaction and Main Effects of Finance Support and Other Business Support Services on the Entrepreneurial Ecosystem: A Case Study of the Mpumalanga Province, South Africa. *Economies*, 11(6), 157.
2. Варцаба, В. І. (2022). Державна Підтримка Та Банківське Фінансування Малого І Середнього Бізнесу В Україні.
3. Zabolotskaya, V. V. (2019). Governmental programs of small business support in the USA. *Mirovaia ekonomika i mezhunarodnye otnoshenia*, 63(12), 15-22.
4. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишининг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш. / Дис. авт. реф... иқт. фан. д-ри. - Т., 2017. -30-б.
5. Muftaydinov Q. Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida tadbirkorlikni rivojlantirish muammolari. / Dis. ... iqt. fan. d-ri. - T/, 2004. -18-b.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

